


“ТАСДИҚЛАЙМАН”



О.Қ. Абдурахманов

“20” сентябрь 2024 йил

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув кенгаши мажлисининг

80 – сонли БАЁНИ

«20 » сентябрь 2024 йил

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: О.Қ. Абдурахманов – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув кенгаши раиси

Катнашдилар: Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув кенгаши аъзолари, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ходимлари

Молиялаштириш механизмларини янада тақомиллаштириш тўғрисида

(О.Абдурахманов, А.Худаяров, Х.Турахужаев, О.Фазилкаримов, Ф.Шарипов, З.Эрматов)

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда давлат тиббий суғуртаси механизмларини республиканинг бошқа ҳудудларида жорий қилиш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.11.2024 йилдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-311-сонли қарори қабул қилинган.

Бунда, давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматларнинг Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) орқали харидини жорий этиш, тиббиёт ташкилотлари ва Жамғарма ўртасида тузиладиган шартнома асосида амбулатор тиббий хизмат кўрсатувчи бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини аҳоли жон бошига кўра шартномада белгиланган иш ҳажмига мувофиқ, шифохоналарни (республика даражасидаги шифохоналар бундан мустасно) уларга ажратиладиган маблағларнинг 15 фоизидан кам бўлмаган қисмини ҳар бир даволангандан ҳолатдан келиб чиқиб тўлаш орқали молиялаштирилиши белгиланган.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Иктисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Жамғармага ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш ва белгиланган мақсадларга йўналтирилишини таъминлаш учун ишлаб чиқилган ҳужжатлар Кузатув кенгаши аъзоларига тақдим этилди.

Ушбу ҳужжатлар кўриб чиқилиши натижасида уларни дастлаб Жамғарма Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси карори лойиҳаси кўринишида расмийлаштириш ва Хукуматга киритиш зарурлиги билдирилди.

Кун тартибига қўйилган масала атрофлича кўриб чиқилиб **карор қилинди**:

1. Куйидагилар:

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси маблағларини шакллантириш ва уларни сарфланиши тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ва тиббиёт ташкилотлари ҳамда дорихоналар ўртасида шартнома тузиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Аҳоли жон бошига молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

“Глобал бюджет” ва “хар бир даволанган ҳолат учун” тўлов усули асосида молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Давлат тиббий суғуртаси тизимида фаолият юритадиган тиббиёт ташкилотлари томонидан маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

10-ХКТ (МКБ-10)нинг муайян синфларига киритилган ташхислар (касалликлар) бўйича даволанган ҳолатларнинг клиник ўхшаш гурухлари ва уларнинг оғишиш коэффициентлари 6-иловага мувофиқ;

Молиялаштиришнинг базавий ставкалари ва коэффициентлари микдорлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамғарма (З.Эрматов):

Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларидағи ҳамда давлат тиббий суғуртаси тизими механизмлари жорий қилинадиган ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларини 2024 йил октябрдан бошлаб молиялаштиришда мазкур баён қарор қисмининг 1-бандига мувофиқ тасдиқланган ҳужжатлар асосида амалга оширилишини таъминласин.

Бунда, “аҳоли жон бошига” ва “хар бир даволанган ҳолат учун” тўлов бўйича ҳисоб-китобларни тиббиёт муассасалар томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли ахборот тизимиға киритилган маълумотлар (бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари уларга бириктирилган аҳоли сони ва таркиби тўғрисида ҳамда шифохоналар ҳар бир даволанган бемор тўғрисида) асосида амалга ошириш;

“хар бир даволанган ҳолат учун” тўлов асосида молиялаштириладиган барча шифохоналарнинг ушбу мақсадда чегириб қолинган маблағларини жамлаш (бирлаштириш) ҳамда белгиланган базавий ставка асосида тегишли ҳисоб-китобларни амалга ошириб, қўшимча талаб этиладиган маблағларни ҳисобга олган ҳолда шифохоналар ўртасида қайта тақсимланишини таъминлаш чораларини кўрсинг.

Мазкур баён қарор қисмининг 1-бандига мувофиқ тасдиқланган хужжатлар асосида “Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси тизимида молиялаштириш механизmlарини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиб, ҳамда манфаатдор вазирлик, идоралар билан келишиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ-311-сон қарорига асосан, давлат тиббий суғуртаси механизmlарини жорий этиш доирасида 2025 йил 1 июлдан бошлаб тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳак тўлашнинг алоҳида тартиби ва шартлари татбиқ этилгунга қадар, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳак тўлашни амалдаги меъёрий-хужжатларга асосан, жумладан Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳак тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 276-сон қарорига асосан амалга ошириш белгилансин.

4. 2027 йил 1 январга қадар, Жамғарма томонидан тиббиёт муассасаларини молиялаштиришда қўйидаги тартиб белгилансин:

тиббиёт муассасалари томонидан ойлар ва харажат моддалари кесимида ишлаб чиқилган бизнес-режа ЎзАСБО ахборот тизимида орқали келишиш учун Жамғармага юборилади.

Агар бизнес-режанинг умумий қиймати Жамғарма ва тиббиёт муассасаси ўртасида тузилган шартнома қийматига мос келса, бизнес-режа Жамғарма томонидан ЎзАСБО ахборот тизимида келишилади. Шартнома қийматига номувофиқ бўлган бизнес-режа тузатиш киритиш ва тўғрилаш мақсадида, Жамғарма томонидан қайтарилади.

Тиббиёт муассасаси ҳар молия йилининг 1 февралига қадар, Жамғарма билан шартномада йил давомида сақланадиган жами ходимлар сонини мутахассисликлар тури (врач, ўрта тиббиёт, кичик тиббиёт ва бошқа ходим) бўйича Жамғарма билан келишади. Тиббиёт муассасаси раҳбарига мутахассислик тури бўйича жами штатлар сонидан ошмаган ҳолда, тиббий хизмат кўрсатиш ва иш хажмидан келиб чиқиб, муассасанинг таркибий бўлинмалари, лавозимлар номи ва сонига мустакил равишда ўзгартириш киритиш хуқуки берилади.

Безнес-режада бюджет маблағларини харажатлар моддаси бўйича тўғри режалаштириш ҳамда штатлар сонини тўғри белгилаш бўйича давлат тиббиёт ташкилоти масъул ва жавобгарлиги белгилансин.

5. Жамғармага бир ой муддатда:

Иктисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда тиббиёт муассасалари томонидан Жамғармага тақдим этиладиган ҳамда Жамғарма томонидан Иктисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиладиган чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиб, Кузатув кенгаши муҳокамасига киритиш ва навбатдаги Кузатув кенгаши йиғилиш баёни билан тасдиқлаш чораларини кўрсин.

6. Жамғарма Кузатув кенгаши мажлисининг 2022 йил 25 февралдаги 19-сонли баёнининг 6 ва 7 иловаси ҳамда 2023 йил 3 августдаги 42-баёнининг 1 иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу мажлис баёни ижросини назорат қилиш Соғлиқни сақлаш вазири, Кузатув кенгаши раисининг ўринбосари А. Худаяров зиммасига юклатилсин.

Соғлиқни сақлаш вазири в.б.,
Кузатув кенгаши раисининг ўринбосари

 А. Худаяров

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни
ривожлантириш ва истеъмолчилар
хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси

Х. Турахужаев


Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари

 Ф. Шарипов

Иқтисодиёт ва молия вазирининг
ўринбосари

 О. Фазилкаримов

Ўзбекистон нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси

 К. Ишанходжаев

Жамғарманинг ижро этувчи директори,
Кузатув кенгашининг котиби

 З. Эрматов